

Ҳидоят

اَنْهُدُ إِلَيْكُمْ رَبُّكُمْ وَالْمُوْعَذْنَةُ الْجَسَنَةُ



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий газетаси
1990 йил 1 марта бошлаган.



9 май – Хотира ва қадрлаш куни

№ 8 (721) 30.04.2023 | 0.10.1444

Инсон ҳам, хотираси ҳам – азиз

Муқаддас динимизда инсоннинг ҳақ-хуқуқлари тўла-тўкис баён қилинган. Инсоннинг вафотидан кейинги ҳақларидан бири уни яхшилик билан эслаш ва унинг ҳаққига хайрли дуолар қилишdir. Аллоҳ таоло Ислом умматини ўзидан олдин ўтганлари ҳаққига дуо қилганлар деб мақтаган: «Улардан кейин (дунёга) келгандар зотлар айтурлар: “Эй Раббимиз! Ўзинг бизларни ва биздан илгари иймон билан ўтганларни мағфират этгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй Раббимиз! Албатта, Сен меҳрибон ва раҳмли Зотдирсан!”» (Ҳашир сураси, 10-оят).

Ушбу оятда мусулмонлар ўтмишдаги иймондошлари учун Аллоҳ таолога дуо қилиб, мағфират сўрашлари айтилмоқда. Ислом уммати асрлар оша ушбу одобга

содик қолиб келмоқда. Ином Насафий “Мадорикут танзил ва ҳақо-иқул таъвил” тафсирида келтиришича, Ҳазрат Умар розияллоҳу анху оятда зикр қилинган кишилар ҳақида: “Бу жамоага қиёматгача Исломда таваллуд топганларнинг барчаси киради”, деган.

Абу Лайс Самарқандий “Бахрул улум” тафсирида қуйидагиларни ёзди: “Бу оятда мўминлар зиммасига ўзларидан олдин ўтган бирордлари учун Аллоҳдан мағфират сўрашлари бурч эканига далил бор. Шунингдек, ундан мўминлар ўзларининг ота-оналари ва таълим берган муаллимлари ҳаққига ҳам истиғфор айтиши кераклиги келиб чиқади”.

2-бетда



Ташриф

Уламоларимиз Туркиядада

Ўзбекистон ва Туркияни бирбирига яқин тил, уйқаш анъана ва тутумлар, ягона дин, азалий дўстлик ва уйғун маданий алоқалар боғлаб туради. Ўзбеклар ва турклар икки халқ бўлса-да, аслида, бу икки миллатнинг муштарак жиҳатлари кўп: ажоддлари бир, маданияти бир-биридан улги олган. Энг муҳими, Туркия Ўзбекистон мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган давлат. Аҳолисининг деярли 95 фоизи Ислом динига эътиқод қиласди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги муносабатлар ҳар жиҳатдан юксак даражага кўтарилиб, икки мамлакат манфаатларига бирдай хизмат қиласди. Айниқса, туризм, маданий, маънавий-маърифий, диний соҳадаги ҳамкорликлар ҳавас қилгудек даражага етди.

Яқинда юртимизнинг бир гурӯҳ уламолари Туркия Республикасига ташриф буюрди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси радио ўринбосари Жалолиддин Ҳамроқулов бошчилигидаги гурӯҳ аъзолари билан дастлаб Ўзбекистоннинг Туркиядаги бош консуллигида учрашув ўтказилди.

Сафар жуда тифиз, айни пайтда гўзал таассуротларга бой кечди. Хусусан:

14 апрель. Ўзбекистоннинг Туркиядаги бош консуллиги мутасаддилари билан ҳамкорликда Туркиядаги ўзбек ватандoshлар жамоаси билан ифторлик ўштирилди. Тадбир доирасида ватандошлар билан самимий сұхбат бўлиб ўтди. Сұхбат асносида ватандошлар Ўзбекистонда бўлаётган ислоҳотлардан мамнун эканларини изҳор этишиди.

15 апрель. Уламолар Истанбул шаҳрида фаолият олиб бораётган “Ўзбек хотин-қизларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти” билан сұхбат ўштирилди. Сұхбат асносида ватандош аёлларни қизиқтирган саволларга атрофича жавоблар қайтарилди.

Туркияга ишлаш, таълим олиш учун борган аёллар ҳам эътибордан четда қолмади. Улар билан ҳам учрашувлар ўштирилиб, мусофирикда юрган юртдошларимизнинг дарду ташвишлари тингланди, зарур тавсия, маслаҳат ва ўйл-йўриклар берилди.

Шу билан бирга, уламолар Арнавут мавзесида меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган талабалар билан ифторлик дастурхонида учрашиб, сұхбат ўштирилди.

3-бетда

ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ 15 апрель куни муфтий Нуриддин домла Ҳолиқназаров Андижон вилоятидаги “Сайид Мухиддин маҳдум” ўрта махсус ислом билим юрти фаолияти билан яқиндан танишиди.

✓ Бир қатор уламо ва имом-хабибларимиз Туркия, Қозогистон, Россия Федерацияси, Жанубий Корея, АҚШ ҳамда Канада давлатларида хизмат сафарида бўлиб, уерларда меҳнат қилаётган ватандошларимиз билан диний-маърифий мавзуларда сұхбатлар ўтказиши.

✓ 17 апрель. Қадр кечасида муфтий Нуриддин домла Ҳолиқназаров Тошкент шаҳридаги “Ҳазрати Ином” масжидига ҳатми Қуръонга ташриф буюрди.

✓ 17 апрель куни Ином Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида талабалар учун “Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай” мавзусида маърифий тадбир ўюштириди. Тадбир доирасида янги китоблар тақдимоти ўтказилди.

✓ 18 апрель куни Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Абдуқаҳор домла Юнусов Жанубий Корея Республикасининг Сеул шаҳридаги Чөонгжу Ислом марказида 200 нафар юртдошимиз билан учрашиб, мазҳабсизлик залолат эканлиги, Рамазон ва Қадр кечаси фазилатлари ҳақида мавъиза қилди.

✓ 19 апрель куни Сергели туманида з минг ўринли “Абдуллоҳ ибн Зубайр” жомеъ масжидининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

✓ 19 апрель куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакили – Тошкент вилояти “Абу Бакр Сиддик” жомеъ масжиди имом-хатиби Нурали Мавлонов Россия ҳудудларига амалий сафари доирасида Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятида яшаб, таълим олаётган ватандошлар билан учрашувлар ўтказди.

✓ 20 апрель куни Ином Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида Др. Деря Идикурт ўзининг “Истанбулдаги буҳоролик олим Шайх Сулаймон Афанди” мавзуидаги илмий изланишлари тақдимотини ўтказди.

@Hidoyat_jurnal



МУРОЖААТ ВА ТАКЛИФЛАР УЧУН

www.hidoyat.uz



МУРОЖААТ ВА ТАКЛИФЛАР УЧУН

fb.me/@hidoyatuzofficial



МУРОЖААТ ВА ТАКЛИФЛАР УЧУН

m-nashr@mail.ru



МУРОЖААТ ВА ТАКЛИФЛАР УЧУН

@Muminalar_jurnal



МУРОЖААТ ВА ТАКЛИФЛАР УЧУН



Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Масжидни супуриб-сидира-диган бир қора танли аёл (ёки ёши ийгит) бор эди. (Бир куни) Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни тополмай қолдилар. У аёл (ёки ёши ийгит) ҳақида сўра-ган эдилар, саҳобалар: “Вафот қилди”, дейишиди. У зот: “Менга ҳабар бермадингизми?” дедилар. Гүё улар (саҳобалар) у аёл (ёки ёши ийгит) нинг ўлимини кичик (арзимас) иш деб санаши-ган эди. “Менга унинг қабрини кўрсатинглар”, дедилар Набий алайҳиссалом. (Қабрни) кўр-сатиб қўйишиди. У зот ун(инг қабри тепасига бориб) га жаноза ўқидилар, сўнг: “Бу қабрлар ўз аҳли учун зулматга тўладир. Аллоҳ азза ва жалла менинг на-мозим билан уларни мунааввар қиласди”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).



Имом Насоййининг ривоятида: “Сизни тунда уйготишини хушлама-дик”, дейилган.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни



1-бетда

Имом Термизий улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ўтганларингизнинг яхшиликларини тилга олинглар, ёмонликларидан тийилинглар”, деб таълим бергандар. У зотнинг ўзлари доимо ўтган азизларини эсга олиб турардилар. Оналарининг қабрини зиёрат этардилар. Ҳар ҳафта Мадинадаги Бақиъ қабристонига

чиқиб, у ердаги марҳумларга салом бериб, ҳақларига дуо қилардилар. Ҳадиҷа онамизни тез-тез эсга олиб, яхшиликларини зикр қиладилар. Гоҳида кўй сўйдиргандарида гўштидан бир бўлак ажратиб: “Бундан фалон, фалон аёлларга ҳам беринглар, улар Ҳадиҷанинг дугоналари эди” деб, уларга насиба улашардилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам боқий дунёга кўчганларидан кейин саҳобаи киромлар ушбу таълимотларга амал қилдилар. Масжидга кирганларида Равза муборакка келиб, Расууллоҳга салом берардилар. Саҳобалар нафақат Пайғамбар алайҳиссаломни, балки бошқа ўтиб кетган саҳобаларни ҳам фақат яхшилик билан эслардилар.

Ушбу анъана асрлар оша Исломга эътиқод қилиб келаётган халқимиз ахлоқига сингиб кетган.

Ҳадисда зикри ўтган аёл қора танли бўлиб, араблардан эмасди. У доимо масжидни супуриб-сидирар, ундаги чиқин-диларни чиқариб ташлар эди. Бир куни кечаси у вафот этиб қолди. Шунда саҳобалар Расууллоҳни безовта қилмайлик, деган ўй билан аёлнинг жанозасини ўзлари ўқиб, дафн қилишди. Эртасига ёки бир неча кун ўтиб, ўша аёлнинг кўринмай қолганини пайқаган Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни суриштирдилар. Унинг вафот этганини айтишганида, у зот: “Нега менга ҳабар бермадингиз? Менга унинг қабрини кўрсатинглар”, дедилар. Саҳобалар фаррош аёлнинг қабрини кўрсатишгач, Сарвари олам унинг қабри тепасига бориб, ўзлари жаноза ўқидилар...

Албатта, бу ҳадисда бир қанча фойдалар бор.

Биринчиси, масжидни тозалаш хайрли амаллардан экани. Набий алайҳиссалом марҳамат қиладилар: “Менга умматим-нинг ажрлари, ҳамто қишининг масжииддан чиқариб ташлаган ҳас-чўни ҳам кўрсатилди” (Имом Абу Довуд ривояти).

Демак, киши масжиддан чиқариб ташлаган ҳар бир нарсасига, гарчи арзимас чўп-хас бўлса ҳам, ажр олади.

Дарҳақиқат, масжидлар Аллоҳ таолонинг уйларидир. Уларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Зоро, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларни тоза тутиш ва хушбўйлантириб туришга буюрганлар. Лекин масжидларни ҳаддан ортиқ нақшлаб, ҳар хил безаклар билан зийнатлаш макруҳ. Чунки бу нарслар намозхонларнинг фикрини чалғитади.

Иккинчиси, аёл кишининг ҳам масжидни тозалashi жоизлиги. Яъни масжидни тозалаш, покиза тутиш фақат эркакларга хосланмаган. Балки унинг ободончилигига ҳисса қўшган ҳар бир киши ажрга эга бўлади.

Учинчиси, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам, гарчи пайғамбар бўлсалар-да, ғайбдан хабардор эмасликлари маълум бўлмоқда. Акс ҳолда, фаррош аёлнинг вафотидан хабар топган бўлар эдилар.

Тўртинчиси, жанозасиз кўмилган майиттга, модомики

жасад айниб, титилмаганига умид бўлса, қабри тепасида жаноза ўқишининг жоизлиги.

Бешинчиси, раҳбар кишининг хизматчилар, ходимлар ва дўстларнинг ҳолидан хабардор бўлиши. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам оддийгина фаррош аёлни ҳам эътибордан четда қолдирмадилар. Ҳолбуки, уни сўнгги манзилга кузатиб қўйиш саҳобалар наздида Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни безовта қилишга арзимайдиган иш эди. Гарчи саҳобалар уни жаноза билан дафн қилишган бўлса ҳам, Набий алайҳиссалом ўзлари унинг қабрига бориб, жаноза ўқиб, икром кўрсатдилар.

Олтинчиси, жаноза намози ҳақида одамларга хабар бериш, эълон қилиш.

Еттинчиси, солиҳ кишиларнинг жаноза намозига ҳозир бўлиб, майиттнинг ҳаққига дуо қилиши.

Хурмуҳаммад НУРБОЕВ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
“Ҳадис ва ислом тарихи фанлари”
кафедраси мудири

Инсон ҳам, хотираси ҳам – азиз

Ҳалқимизда марҳумларни эслаш, уларнинг ҳақларига дуолар қилиш каби урфга айланган амалларнинг барчаси Ислом дини тушунчалари асосида жорий бўлган. Динимиз ақидасига кўра, инсон ўлганидан сўнг йўқ бўлиб кетмайди, балки танаси чириб кетса-да, руҳи барҳаёт қолади. Тана тупроқдан бўлгани учун тупроққа қоришиб кетади, аммо руҳ Аллоҳ таолонинг ҳузуридан бўлгани боис Ўзининг даргоҳига қайтади. Биз қиладиган хайру эҳсонларимиз, дуоларимиз ана ўша руҳга қаратилган бўлади. Тирикларнинг дуоси туфайли ўтганларнинг охиратдаги даражалари кўтарилади, руҳлари хушнуд бўлади.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: «Руҳлар оламида бир қишининг даражаси ўз-ўзидан кўтарилиб қолар экан. Шунда у: “Эй Раббим, бу қанақаси бўлди, ҳеч қандай амал қилмасам ҳам, даражам кўтарилиб қолибди?” дейди. Шунда унга: “Сенинг ҳақиқинга дунёдаги яқинларингдан бири дуо қилган эди, дуоси қабул бўлиб, сенинг бу ердаги даражанг кўтарилиди”, дейилади».

Таъкидлаш лозим, динимиз ўтганлардан мадад сўрашга эмас, балки уларнинг ҳақларига дуо қилишни ўргатади.

Уламоларнинг таъкидлашларича, пайғамбарларнинг, солиҳларнинг, авлиёларнинг қабрларига Аллоҳ таолонинг раҳмати тушиб туради. Шу боис бундай жойларга боргандар қалбларида аллақандай руҳий ҳаловатни ҳис қиладилар. Аммо шунда ҳам уларнинг ҳақларига дуо қилишдан ортиқ ишлар мумкин эмас.

Ҳосили калом, Аллоҳ таоло сизу бизга дастуриламал қилиб берган илоҳий таълимотда ўргатган дуо билан сўраб қоламиз: «Эй Раббимиз! Ўзинг бизларни ва биздан илгари иймон билан ўтганларни мағфират этгин ва қалбларимизда иймон келтирган зотларга нисбатан гина пайдо қилмагин! Эй Раббимиз! Албатта, Сен меҳрибон ва раҳмли Зотдирсан!»

Жалолиддин ҲАМРОҚУЛОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси ўринбосари

Одоб беришдаги гўзал йўллари*

У зотнинг одоб бериш услубларидан яна бири яккараб қўйиш ва гапирмаслик бўлган. Та-бук ғазотига бормаган уч киши: Каъб ибн Молик, Ҳилол ибн Умайя ва Марвон ибн Рабиъга нисбатан шундай йўл тутилган. Ўзлари ҳам уларга гапирмаганлар, бошқаларга ҳам гапирмасликни буюрганлар. Учовининг ҳолати Қуръонда бундай баён қилинган: «**Кенг ер уларга торлиқ қилиб, диллари танг бўлгач ва Аллоҳ**(нинг ғазаби)дан фақат У Зотнинг Ўзига қочиш билан паноҳ топилишини билишгандан сўнг улар тавба қилиувчилардан бўлиши учун тавбаларини қабул этди. Албатта,

* Давоми, бошланшиши ўтган сонларда.

Аллоҳ Таввобдир, Раҳимдир
(Тавба сураси, 118-оят).

Ер шунчалик кенг бўлса ҳам, бу кишилар ўзларига қилинган муомаладан қийналиб, ўзларини кўярга жой топа олмай қолиши. Тавбалари кечиккани сайн даҳшатга тушиб, сиқилиб кетиши. Кўнгилларига хурсандчилик, улфатчилик сиғмай қолди.

Каъб ибн Молик розияллоҳу анху айтади: «Менинг кўзимга ер ҳам ўзини танимасликка олаётгандек бўлиб кўринар эди. У мен билган ер эмас эди». Бошқа ривоятда: «Деворлар ҳам бизни танимасликка ўтиб олган эди. Ҳатто ўша деворлар ҳам биз билган деворларга ўхшамасди», дейилган. Қаттиқ сиқилган, ғам-ташвишга ботган одамгина бундай ҳолатга

тушади. Ҳамма нарса унга қарши-дек туловеради. Яна бир ривоятда: «Жуда қаттиқ қийналишганидан роҳибларга ўхшаб қолиши», дейилган.

Умрлари давомида Набий алайҳиссаломнинг қўлларидан фақат бир кишигина ўлим топган. У ҳам бўлса, жангда юз берган. У зот Уҳуд жангидаги мушрикларнинг энг ашаддийларидан бўлган Убай ибн Халафни наиза билан яраладилар. Курайш қўшини Маккага қайтар экан, йўлда Аллоҳнинг душмани Убай ибн Халафнинг жони узилади.

Сайид Муҳаммад Ҳасанийнинг «Икки олам сарвари» асаридан
Фиёсiddин ҲАБИБУЛЛОҲ
таржимаси

Ташриф

1-бетда

Уламоларимиз Туркиядада

Ўзбекистонлик имом-хатиблар Истанбул шаҳрида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф номидаги таълим-тарбия академиясига ҳам ташриф буюриб, талabalар билан учрашув ўтказдилар. Жалолиддин Ҳамроқулов илм олишнинг фазилатлари ва одоби, Ватанга садоқат, устозларга ҳурмат тўғрисида сухбат қилиб берди. Учрашув савол-жавобларга бой ва файзли ўтди.

Туркияning Бурса шаҳрида Бурса вилояти муфтийи Ёвуз Салим ва депутат Осман Местен билан са-мимий урашув ўтказдилди. Тадбирда Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек Раупов, Фарғона вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Алишер Наимов, Бухоро вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Отабек Авезов, Самарқанд вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Хайруллоҳ Сатторов иштирок этди.

Меҳмонларни Бурса шаҳри ҳо-кимлиги ва муфтияти мутасаддилари илиқ кутиб олишди. Осман-гази тумани ҳоким ўринбосари то-монидан Бурса шаҳрида таълим



олаётган юзга яқин ўзбекистонлик талabalariiga ифторлик дастурхони ёзилди.

Уламолар Бурса шаҳрида-ги “Амир Султон Бухорий” жоме масжиди имом-хатиби, доктор Мустафа Баки Эфе билан учрашув ўтказдилар. Масжидга йиғилган 500 дан ортиқ на-мозхонларга Ўзбекистонда ту-ризм салоҳияти, мамлакати-мизда амалга оширилаётган ис-лоҳотлар ҳақида маълумотлар

берилди. Ҳусусан, зиёрат туризми доирасида Туркия фуқаролари республикамиздаги табаррук қадамжоларга таклиф этилди.

Намозхонлар буҳорийлар юртидан келган меҳмонларга юксак эҳтиром кўрсатиб, дуо сўрадилар. Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек Раупов жамоат ҳаққига ҳайрли дуолар қилди.

Бурса шаҳрида таълим олаётган ўзбекистонлик талabalар билан Тошкент вилояти бош имом-хатиби Жасурбек Раупов, Бухоро вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Отабек Авезов, Самарқанд вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Хайруллоҳ Сатторов, Фарғона вилояти бош имом-хатиби ўринбосари Алишер Наимов сухбат ўюштириди. Талabalarning саволларига атрофлича жавоблар берилди.

Ўз мухбиримиз



Масала

Беморлик, майит ва дағнга доир фатволар

397-ФАТВО

Эркаклар жасадини эркаклар, аёллар жасадини аёллар ювади. Норасида ўғил болани аёллар, но-расида қиз болани эркаклар ювиши мумкин. Аёллар эрларини ювишли-ри мумкин. Аёлларни эрлари юв-майдилар. Бу ҳанафий фуқаҳола-римизнинг холосаларидир.

«Оламгирия», «ас-Сирож ал-ваҳҳоб»

398-ФАТВО

Аёллар ичидаги бир эркак киши ўлиб қолса, уни сув билан ювмайдилар, балки аёллар ичидаги маҳрами ёки хотини бўлса, қўли билан таяммум қилдиради. Агар бегона аёллар таяммум қилдирадиган бўлсалар, қўлларига латта ўраб оладилар.

«Оламгирия», «Меъроҳ»

399-ФАТВО

Майит ювилгандан кейин уни кафанлаш фарзи кифоя амаллардандир. Эркак кишига суннат бўлган кафан учтадир:

1. Изор (иштон). Унинг узунлиги бошдан оёқ учигача бўлади.

2. Қамис (кўйлак). Бўйнидан оёқларигача.

3. Либофа (чойшаб). Унинг узунлиги бош ва оёқдан ярим қарич узунроқ бўлади.

Мато кам бўлса, изор билан либофанинг ўзи кафаникка кифоя қиласди. Аёллар учун суннат кафан бештадир: изор, қамис, либофа, химор (рўмол) ва кўкрагидан сонла-ригача етадиган хирқа (қийиқ)дир. Агар мато кам бўлса, изор, либофа, химорнинг ўзи кифоя қиласди.

«Мухтасар», «Оламгирия», «Хидоя», «Жавҳара»

400-ФАТВО

Қабристонга дағн гучун боргандар то тобут ерга қўйилмагунча ўтириб олишлари макруҳdir.

«Мухтасар», «Оламгирия», «Муҳийт»

401-ФАТВО

Майитга жаноза намозини ўқиши фарзи кифоядир. Бир киши – хоҳ у эркак бўлсин, хоҳ аёл – жанозасини ўқиса, қолган мусулмонларнинг зиммасидан соқит бўлади. Ҳеч ким ўқимаса, ҳамма гуноҳкор бўлади. Жаноза намозида жамоат шарт эмас. Лекин жамоат қанча кўп ийифласа, шунча яхши.

«Оламгирия», «Нижоя», «Татархония»

5-бетда

Амалимиз озайиб, исрофимиз кўпайди

Тўй – муайян инсоннинг, оиласининг хурсандчилиги ва ана шу шодиёна га шерик бўлсин деган эзгу ниятда дўст-ёрларни зиёфатга чақириш анъанаси. Бу анъана аслида хайрли иш. Лекин у боргани сари дабдабали тус олганидан одамлар эзилиб келмоқда.

Динимиз нафақат мубоҳ ишларда, балки хайрли амалларда ҳам ҳаддан ошмасликка чақиради: «**Қариндошнинг ҳақини адо эт, мискин-бечоралар, йўловчи-мусофириларга ҳам** (мурувват кўрсат). **Лекин сира исроф этма, зеро, исроф қилувчилар шайтоннинг “биродарлари”dir!**» (Исрораси, 26-оят).

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар билан Мадина орасида уч кун турдилар ва Сафийя бинти Хуяйга уйландилар. Мен мусулмонларни валиймага таклиф қилиб келдим. Унда нон ҳам, гўшил ҳам йўқ эди. У зот тери дастурхонларини ёзишига амр қилдилар. Унинг устига хурмо, қурут ва сариёз ташланди. У зотнинг валиймалари

шундан иборат эди» (Муттафақун алайҳ).

Илоҳий кўрсатмага бўйсунган, Расуллороҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашган аждодларимизнинг тўй-маърака ва маросимлари ортиқча даҳмазаларсиз, қарз-қаволасиз, чинакам хурсандчилик билан ўтган.

Аммо замон ўтиши билан амалимиз озайгани тўйларимизда ҳам намоён бўла бошлади. Айниқса, ҳалқимиз тўйларни дабдабали ўтказишига ружу қўиди. Оқибатда тўй ўзбекнинг шодиёнасига эмас, миллий муаммосига айланди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, одамлар фақат тўй қилиш учун яшай бошлади. Бутун умр тўйга пул тўплаган одам тўйнинг жамғармаси камайиб кетишидан қўрқиб дўхтирга кўринмайди, дам олишга бормайди, йиллик меҳнатташилини олганда эса, ўзининг одатдаги ишидан ҳам оғирроқ ишларни қиласди. Мақсад – таътилдан фойдаланиб уч-тўрт сўм пул ишлаб олиш. Нима керак унча пул? Тўй қилишга – ўғил уйлаш, қиз чиқаришига керак.

Аммо одамнинг жони ва танаси

хеч қачон чарчамайдиган, мустаҳкам механизм эмас. У – Аллоҳнинг омонати. Ҳукумат одамларга нега ҳафтада икки кун дам, йилда бир ой меҳнат таътили беради? Йил давомида ишлаб чарчаган одам ҳордик чиқариб, меҳнат қобилиятини тиклаб олсин учун...

Бинобарин, тўй қилишни, тўкин дастурхон ёзишини ният қилган одам, аввало, қариндош-урӯларнинг, етим-есирларнинг ҳолидан хабар олмоғи керак. Мабодо ўша одам бемаъни довруғ солиш учун қилган харажатининг бир қисмига бирор мухтожнинг камини бутлаб берса, бир толиби илмнинг йиллик шартномасини тўлаб берса, бир беморнинг дори-дармонига ёрдам қиласа, ўша одамлар қўлларини дуога очиб неча йиллар унинг ҳаққига дуолар қиласди.

Аслида тўй ва маросимларни тартиби солиш зарурлиги ҳар доим фикр эгаларини ўйлантириб келган. Айниқса, жадид боболаримиз бу масалага жиддий киришишган. Аммо уларнинг куйинчакликларига кулоқ осадиган одам бўлмади, ўзлари ҳам қисқа фурсатларда қатағон қурбонига айланиб

кетди. Истиқлол йилларида ушбу мавзу яна кун тартибига чиқди. 1998 йилнинг 28 октябринда Биринчи Президентимизнинг “Тўй-маросимларни тартиби солиш тўғрисида” Фармони қабул қилинди. Ушбу хужжатда тўй-маросимларда дабдабозлик, шуҳратпарастлик, ўз-ўзини кўз-кўз қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйилаётгани таъкидланиб, бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган вазифалар белгиланган эди. Аммо ушбу хужжат ҳам миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган кимўзарчиликка тўй қилиш хасталигига даво бўла олмади.

Ҳосили қалом, “ундай тўй қилиш урф бўлибди, бундай тўй қилиш одат бўлибди” деб, ғанимат умримиз, йиллаб топган-тутганимиз дабдабали тўй-ҳашамларнинг қурбонига айланиб қолмасин. Зотан, урф-одатларни одамлар яратади, урф-одатлар одамларни эмас. Шундай экан, динимиз таълимотига, инсонийлик табиатига зид бўлган урф-одатлардан воз кечадиган вақт келди, тайсалламайлик!

Дамин ЖУМАҚУЛ



Огоҳлик – давр талаби

Сохта салафийлик – адашганлар йўли

Мусулмон бўлатуриб Ислом ақоидини ўз тушунчасича истифода этиши натижасида тўғри йўлдан адашувчилар дин душманларининг тузоғига тушганларни билмай қолишади. Шундай инсонлар факат сўздагина Исломни ҳимоя қилишга курашаётган бўлиб чиқади-ю, аммо унга душманлардан ҳам каттароқ зиён келтираётганини англамайдилар. Ўзи адашгани етмагандек, ҳали билимсиз, тажрибасиз ёшларни сафларига чорлайди. Мана шундай адашган сохта дин ҳимоячилари “салафий”, “муваҳҳидун”, “ваҳҳобий” деган атамалар билан юритилади.

“Салафий”лик оқими XVIII аср ўрталарида Марказий Арабистоннинг Нажд ва Хосса вилоятлари худудида юзага келган. Ушбу оқимнинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб диндан чекинувчиларга қарши кураш олиб борди. Унинг фикрича, нафақат араб сахросидаги аҳоли, балки бутун мусулмон ўлкалари ҳам тавҳиддан узоқлашган эмиш.

Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб

бевосита динни “тозалаш”, саодат асридаги асл Ислом таълимотига қайтиш, ширкка олиб борувчи бутпарастлик маросимларидан кутилиш кабиларга қарши ҳаракатларни олиб борган. У хайрли ишлар устида турганини даъво қилиб, ҳаддан ошди. Ҳатто Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрларини зиёрат қилишни ҳам тавҳидга зид деб баҳолайди. Шунингдек, “бидъат”га алоҳида урғу бериб, унга қарши муросасиз кураш олиб борган. У кескин тарзда ушбу ишларни қоралар, “ширк”, “бидъат”, “куфр” сўzlарини қўллар эди.

Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобга қарши чиққан уламолардан бири ўзининг устози Муҳаммад ибн Сулаймондир. У Ибн Абдулваҳҳобга ёзган мактубида бундай дейди: «Эй Ибн Абдулваҳҳоб, Аллоҳ номи билан сендан тилингни тишиб, мусулмонларга қарши чиқмаслигини сўрайман. Дунёдаги барча воқеа-ҳодисалар Аллоҳ томонидан бўлаётгани хусусида шак келтираётганларга уларнинг ноҳақликларини тушунтиргин, тушунмаган

тақдирдагина уларни ва фақат уларнингкоғири деб атагин. Лекин зинҳор сенга эргашмаган барча мусулмонларни коғир деба кўрма. Чунки улар эмас, сен ўзинг ҳақ йўлдан адашгансан. Бунга ушбу оят ҳам гувоҳлик беради: “**Кимга ҳидоят аниқ бўлгандан кейин Пайғамбарга муҳолифлик қилса ва мўминлар йўлидан ўзгасига эргашса, Биз уни ўзи кетаётган йўлига қўйиб берамиз ва (охиратда) уни жаҳаннамда куйдиримиз. Нақадар ноҳуш жой у!**” (Нисо сураси, 115-оят).

Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб 1703 йилда Нажд вилоятининг Уяйна шаҳрида, қози оиласида туғилган. Унинг бобоси Сулаймон ибн Муҳаммад Нажд вилоятининг муфтийиси, отаси Абдулваҳҳоб эса, Уяйна шаҳри қозиси бўлган. Муҳаммад дастлабки таълимни ўз отасидан олгач, ўспиринлик йиллари Арабистон ва қўшни ўлкалар бўйлаб кўп сафар қиласди. Ибн Абдулваҳҳоб ақоидда Ибн Таймия, Ибн Қайимга эргашган. Турк тилидаги тадқиқотларда Ибн

Абдулваҳҳоб узоқ йиллар инглиз жосуси билан ҳамкорлик қиласди. Ҳаддулваҳҳоб диний тарғиботни 1730 йилларда бошлаган. Отасининг вафоти (1740 йил)дан сўнг уни фоллаштирган. Чунки отаси ўғлининг қарашларига қарши бўлган. Ибн Абдулваҳҳобнинг таълимоти ўша пайтдаёқ норозилик туғдирган. Ҳатто одамлар уни Уяйнадан қувиб чиқарышган («Ислом» энциклопедияси. 124-бет).

Ибн Абдулваҳҳоб таълимотидаги энг катта қаршилик келтириб чиқарган фикрларидан бири бу – ўзига қўшилмаганларни динсизлар, деб эълон қиласди. Шуни ҳам айтиш мумкинки, шогирд ва издошлари унга янги таълимот асосчиси деб баҳо беришган. Оқибатда Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб қарашлари кўплаб бузуқ ақида тарафдорларининг асосий ғоясига айланди. Аслида, унинг ўзи умринг охирида нотўғри йўлга кириб қолганини шогирдларига бир-неча бор айтгани ҳақида маълумотлар ҳам бор. У 1798 йили вафот этади.

Футувват – барча қилмакдир, демак йўқ...

Ислом инсон қадрини ниҳоятда юқори даражага кўтарилиши. Динимизда инсоннинг қадр-қиммати унинг қалби поклиги, мақсади эзгулиги, ундаги иймон-ихлос ва қилган яхши амаллари билан ўлчанади. Инсон қадрини ўлчашнинг ана шу илоҳий мезонлари ишга солингандан, одамлар ҳақиқий қадрини топади. Зотан, Ислом дини нозил қилинишининг бош сабаби ҳам бу муқаддас диннинг асл моҳияти ҳам инсон қадрини улуғлашдир.

Шу йилнинг 17 февраль куни муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига ташрифи асносида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров ҳазратларининг кам таъминланган, бокувчисини йўқотган, эҳтиёжманд оиласлар аъзоларини умра зиёратига жўнатиш тўғрисидаги илтимосига розилик бергандар жуда катта тарихий воқеа бўлди. Чунки бу дунё тажрибасида тизимли равишда ташкил этилмаган ноёб ҳодисадир.

Тошкент вилоятининг ҳар бир туман ва шаҳридан 4–6 нафардан, жами 100 нафар ана шундай инсонлар умра сафарига бориб келишиди. Муқаддас шаҳарларда уларга яратилган шарт-шаротлар бутун дунё мусулмонлари ҳавасини келтиргани рост.

Аслида, камбағаллик айб эмас. Чунки Аллоҳ таоло кимнидир бой, кимнидир эса қўлини калтароқ қилади. Жамиятда ижтимоий мувозанат бузилмаслигининг олдини олиш мақсадида Ислом эҳтиёжманд оиласлар ҳолидан хабар олишни фарз қилди. Бу жуда савоби улуғ амалдир.

Истро сурасининг 70-оятида «Батаҳқиқ, Биз Бани Одамни азизу мукаррам қилиб қўйдик ва уларни қуруқлигу денигизда (улов-ла) кўтардик ҳамда уларни пок нарсалар ила

Огоҳлик – давр талаби

Шубҳасиз, Ибн Абдулваҳҳоб қарашдаги энг катта, ҳалокатли хато – ўзига қўшилмаганларни коғир деб эълон қилгани эди. Шуниси қизиқки, улар бошқа диндаги одамларга, масалан, яхудийлар ва насороларга ўзларининг сўзларига қўшилмаган мусулмонларга қилган муросасизликларини кўлламас эди. Шунингдек, иймон масаласи бўйича унинг тутган йўли мусулмонлар, хусусан, минтақамиз мусулмонлари ўртасида турли келишмовчиликлар ва кўнгилсизликларга сабаб бўлган.



ризқлантиридик ва уни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан мутлақо афзал қилиб қўйдик», деб марҳамат қилинган.

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мўмин киши Аллоҳ таоло наздида фаришталардан ҳам мукаррам ва афзалдир», деб марҳамат қилганлар (Илом Байхакий ривояти).

Дарҳакиқат, юртимизда инсонга ғамхўрликнинг, эътиборнинг, эҳтимомнинг энг олий наомунаси сифатида мұхтоҷ қишиларнинг умрага жўнатилганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Ҳазрати Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг мұхим, айниқса, бугунги кун учун қайта-қайта эслаб турадиган бир сўзи бор: «Аллоҳ таоло Қуръон билан ҳал бўлмаган ишларни сulton билан ҳал қилади». Подшоҳ, одил раҳбар эътиборидан ҳеч нарса четда қолмайди, шу жумладан, кам таъминланган, бокувчисини йўқотган оиласлар ҳолидан хабар олиш, уларни умра сафарига жўнатиш ҳам.

Бундай бахтга мушарраф бўлган юртдошларимиз кўнгли тоғдек кўтарилиб, инсон қадри улуғланган юртда туғилгани учун шукроналар келтиришмоқда. Ушбу хайрли ишлар бошида

турганларнинг ҳақларига хайрли дуолар қилишяпти.

Рост-да, сизга яхшилик қилган инсонни, айниқса, бир умрлик орзуингиз бўлган муқаддас заминга бориб, умра ибодатларини бажариб келишга кўмаклашган, барча шароитларни яратиб берган, боз, текинга жўнатган мұхтарам Юртбошимиз бошчилигидаги барча азизларимизни дуо қилмай бўладими?!

Ишончимиз комил, умра ибодатларини адо этиб келган, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборак равзаларини кўрган, Каъбада тўйиб-тўйиб ибодат қилган эҳтиёжманд оиласлар вакиллари бир умр шу ишга ҳисса кўшганларни алқаб ўтишади.

Умрага бориб келган юртдошларимиз билан сухбатлашиб, ҳазрат Алишер Навоийнинг гўзлар бир байти эсимга тушди:

Мурувват – барча бермакдир,
емак йўқ,
Футувват – барча қилмакдир,
демак йўқ.

Футувват ишларининг бошида турган барча азизларимиздан Аллоҳ таоло рози бўлсин!

Жасурбек РАУПОВ,
Тошкент вилояти бош имом-хатиби

қилиб келаётган аждодларимиз адашган эмаслар. Улар диний таълимотни асл манбалардан олганлар. Адашганлар фақат янгилар. Чунки улар динни ўз билганича тарғиб қилмоқчи бўлишади. Аллоҳнинг дини эса уларга асло мұхтоҷ эмас. Барчамиз динда янгилик пайдо қилаётгандардан огоҳ бўлишимиз лозим.

Азимжон КАРИМОВ,
Илом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
4-босқич талабаси

Масала

3-бетда

402-ФАТВО

Ўзини ўзи ўлдирган одам жуда катта гуноҳ қилган бўлса-да, мўмин-мусулмонлиги эътиборидан Ином Абу Ҳанифа, Ином Муҳаммад ва Ином Ҳалвоий раҳимахумуллоҳ наздида унга жаноза ўқилади. Ота-онасидан бирини қасдан ўлдирган одам ўлса, унга жаноза ўқилмайди.

«Оламгирия», «Табийин», «Нижоя»

403-ФАТВО

Гарчи майит ўлими олдидан жанозамни фалончи ўқисин, деб васият қилган бўлса-да, бу васияти шаръий ҳисобланмайди, уни ижро этиш лозим эмас.

«Оламгирия», «Музмарот»

404-ФАТВО

Шом намози пайтида жаноза ҳозир бўлиб қолса, шомнинг фарзидан кейин жаноза ўқилади. Ундан сўнг шомнинг суннати ўқилади.

«Оламгирия», «Куня»

405-ФАТВО

Жаноза намозининг нияти дилда бўлади. Аммо шошилинч пайтида иқтидо қилувчиларнинг “имомга иқтидо қилдим”, деб қўйишилари кифоя қилади.

«Оламгирия», «Музмарот»

406-ФАТВО

Мазҳабимизда жаноза намозида Фотиха сураси ўқилмайди, такбирларнинг ҳаммасида қўл кўтарилимайди. Фақат биринчи такбирда қўл кўтарилади.

«Оламгирия», «Муҳийт»,
«Шарҳи Канз»

Такбирларни айтиётган пайтида айрим кишиларнинг бошини осмонга бир бор кўтариб қўйишилари бидъат ишлардандир.

407-ФАТВО

Майитлар кўп бўлса, имкон бўлса, имом уларнинг ҳар бирiga алоҳида жаноза ўқийди, имкон бўлмаса, ҳаммасига битта жаноза ўқийди. Бунда имомнинг рўпарасига майитлардан дастлаб катта ёшли эркаклар, кейин норасида ўғил болалар, сўнг аёллар қўйилади.

«Оламгирия», «Меъројс», «Фатхул Қадир»

408-ФАТВО

Агар майит жанозасиз ёки ювилмай қўмилган бўлса, мурда айниб, титилишга ўтмаганига умид бўлса, қабр очилмай, қабрига жанозаси ўқилади.

«Оламгирия», «Сирожия»

7-бетда

Мадинада яхуд ахбор (коҳин)лари муҳожир мусулмонларни сехрлаб ташлаган, шу боис уларда чақалоқ туғилмаяпти, деган гап тарқалди. Бу гап мусулмонларни ҳам хавотирга содди.

“Зотун ниқотайн” – икки боғич соҳибаси Асмо бинти Абу Бакр Ясриб атрофидаги бир чодирга чарчаб, ҳолдан тойган ҳолда етиб келди. Оғироёқлиги боис бошқа муҳожирлардан кўра кўпроқ мashaққат чекди. Сафар анжомларини туширас-туширмас, уни тўлғоқ тутди...

Шу куни Мадинадаги мусулмонларни қувонтирган чақалоқ дунёга келди. Бу бахтли боланинг дунёга келган хабари одамлар орасида тарқалгач, Мадина-нинг ҳар тарафини такбиру таҳлиллар тутиб кетди. Мусулмонлар бир-бирларидан суюнчи олиб: “Яхудийлар ёлғон айтибди... яхудийлар ёлғон айтибди...” деб қичқиришар эди.

Бу гўдакни Расули акрамнинг хузурларига олиб боришиди. У зот муборак қўлларига олиб, ажва хурмосини келтиришларини буюрдилар ва табаррук оғизлари билан хурмони чайнаб гўдакнинг оғзига солдилар. Гўдак тамшаниб-тамшаниб уни ютиб юборди. Шундан кейин у зот болага “Абдуллоҳ” деб от қўйдилар. Бу гўдакнинг бобоси Сиддиқ розияллоҳу анхунинг асл исми эди. Кунясини ҳам бобосининг куняси билан атадилар. Шу невараси билан муборак этиб, бобоси Сиддиққа гўдак қулоғига аzon айтишни буюрдилар. Бобоси бу масъуд невараси қулоғига азон ва такбир айтди. Бу гўдакнинг қорнига биринчи кирган нарса Расулуллоҳ саллогоҳу алайҳи ва салламнинг табаррук тупуклари бўлди. Унинг қулоғига биринчи ўрнашган нарса бобоси айтган аzon овози бўлди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр

Динимизни ўрганамиз

Ким сизга “Пайғамбаримиз-
га салом айтинг”, деса ва сиз хўп,
деган бўлсангиз, у кишини эслаб
қолинг ёки исмини ёзib қўйинг.
Зеро, бу омонат бўлиб, уни эгаси-
га етказиш вожиб.

Ином Зурқоний “Шархул Ма-
воҳибил-ладунний”да бундай де-
ган: «Бир кишига “Ё Расууллоҳ,
фалончи номидан ассалому алай-
кум, деб айтинг” ёки “Менинг но-
мимдан Пайғамбаримиз соллал-
лоҳу алайҳи ва салламга салом ай-
тинг” деб, у зотга салом етказишни
бирор илтимос қилган бўлса ва бу
киши рози бўлиб, зиммасига олган
бўлса, бу саломни етказиш унга во-
жиги бўлади. Пайғамбаримизнинг

Масжид кабутари

нубувват хонадонида вояга
етди. Шу покиза хонадон бағри-
да улғайыб, гүзал ва юксак одоб-
га эга бўлди. Абдуллоҳни холаси
Ойша онамиз жуда яхши кўрар-
ди. У ўзи каби ўсмир тенгдоши
Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу
Толиб билан Пайғамбаримиз ху-
зурларига борди. Худди улғай-
иб қолган кишилар каби иккови-
ни Расули акрам байъат қилишга
олдиларига келаётганини кўриб,
шаштларини қайтаргилари кел-
май байъат олиш учун уларга му-
борак қўлларини чўздилар.

Абдуллоҳ ибн Зубайр бутун
ҳаёти давомида ана шу байъат-
ни эсидан чиқармай юрди. Бар-
ча ишларида ўша байъатга амал
қилиб, фарзандларига у зотнинг
буорган йўлларидан юришни
насиҳат қилди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр чавандозлик ва жангчилик маҳоратини ҳам яхшигина эгаллаган эди. Отаси иложи борича ўғлини жангларда кўришини ва унда тобланишини жуда хоҳларди. У ўғлини узоқ шаҳарларга ўзи билан олиб кетиб, фатҳларда иштирок этишга шавқини оширади. Машхур Ярмук ғазотида ҳам у ўғлини Мадинадан Шом шаҳарларига олиб борди. Ўзининг зотдор бир учқур отини унга берди. Унинг маҳоратини ошириш учун бир ҳарбий устозни ҳам ёллаган эди. Тепалик устида туриб Ислом тарихидаги энг улуғ жангни кузатишга рухсат берган эди. Сел каби тошқин қўшиннинг ҳамла қилиш ва чекиниш саҳналари ни кузатишга имкон берган эди. Фалаба ва мағлубият нима эканини ўз кўзлари билан кўриши учун уни қалтис ҳолатларда ҳам ўзи билан олиб юрарди. Шундай қилиб, у кечанинг обиди бўлганидек, жанг қаҳрамони ва баҳодирига айланди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр ғозине лашкар билан учрашиб, ахво лидан хабар олди. Лашкарбошы ҳар куни эрталабдан пешингача мушриклар билан жанг қилаёт ганини күрди. Сүнг мусулмонлардың лашкари мушрик қүшини билады. Қаттиқ жанг қилиб, ҳаво димлиги гидан ҳордик олиш жойларига қайтишарди. Абдуллоҳ қўмона донга тезда лашкарни икки гурӯхга бўлишни маслаҳат берди. Биринчи гурӯх куннинг биринчя ярмигача жанг қилар, иккинчя гурӯх эса куннинг иккинчя ярмидага жанг қилиш учун куч тўпларди ва душманга нафас ростлашгандай имкон бермасди. Қўшин қўмона дони бу таклиф этилган режада хурсанд бўлиб, уни бажаришга буйруқ берди. Ўз ихтиёри билан итоат этган ҳолда Абдуллоҳ ибн Зубайрга қўмондонлик топширилди. Кейинги кун ҳам ҳар кун гидек икки қўшин жангга кирди. Пешин вақти бўлгач, душман қўшини ўз одатига кўра ортигбон бурилиб кета бошлади. Уларни даҳшатга соглан иш шу бўлдини, қарасалар, мусулмон қўшини янги куч ва қатъият тўлағайрат билан жангни давом эттиради. Бундан душман қалбига ҳадик ва қўрқув оралаб, сафлари тўзиб, мағлубият аломатларни кўзга ташлана бошлади. Ибн Зубайр дарҳол фурсатни ғанимабилиб, ўттиз нафар забардаст ва чапдаст жангчига мени орқа томондан ҳимоя қилиб турингларди. Тезда менинг қандай ҳунар кўрсатишими кўрасизлар, деди.

томонга юраман, ортимдан эргашинглар, қаршимдан чиққандардан мени химоя қилинглар”, дея қатъий ирода, собит қасда мустаҳкам одимлар билан Жаржир томон күркмай от солди. Икки қўли билан олдиндаги душман сафларни ёриб борар эди. Душман томон уларни музокара учун юборилган мусулмонлар элчиси деб ўйлашди. Лашкаргоҳ ўртасига етиб боргач, подшоҳ унинг мақсадини англаб, ҳамласидан қўрқиб, орқага қочишга мажбур бўлди. Фурсатни бой бермай Абдуллоҳ ибн Зубайр уни найза зарбаси билан сийлаб отидан ерга қулатди. Сўнг устига ташланиб, уни тинчиди. Кейин баланд овозда такбир айтди, мусулмонлар ҳам такбир айтишди. Бу мусулмонлар шижаотига шижаот қўшиди. Мушриклар қалбига қўрқув оралаб, не бўлаётганига ақллари етмай, орқага қочишга мажбур бўлишди. Улар Ибн Зубайр билан унинг сара ва жангари кўшинидан юз ўгириб қочдилар.

Шинидан юз үткериң қөдилар. Батахқық, Аллоҳ таоло Абдул-лоҳ ибн Зубайрга барча фазилатлари устига олий тақво ва поки-за солиҳликни ҳам қўшиб берган эди. Зеро, у кечалари ҳамиша ибодатда бўлар, кундузлари доимо рўза тутар ва қалби ҳар доим масжидларга боғланган эди. Шунинг учун одамлар уни “масжид кабутари”, деб чақиришарди. Айтишларича, у кечаларини уч қисмга ажратган экан. Бир кечани эрталабгача намоз билан ўтказса, иккинчи кечани эрталабгача рукуъ қилиб, учинчи кечани эса тонггача саждада ўтказар экан.

Аллоҳ таоло Абдуллоҳ ибн Зубайрдан рози бўлсин.

 Абдурахмон Раъфат Пошонинг
“Саҳобалар ҳаётидан лавҳалар”
китобидан **Бобомурод ЭРАЛИ**
таржимаси

Саломни етказиш – вожиб

қабрлари олдига бориб: “Ё Расу-
луллоҳ, фалончи номидан ассало-
му алайкум”, деб айтсин».

Мустафо Суютий Раҳийбоний
“Матолибу улин-нуҳо фи шарҳи
Фоятил-мунтаҳо” китобида айтади:
«Кимдир Пайғамбаримиз соллал-
лоҳу алайҳи ва салламга салом ай-
тишни илтимос қилган бўлса, қабр-
лари яқинига келиб: “Ё Расулуллоҳ,
фalonчи номидан ассалому алай-
кум”, деб айтсин. Агар буни зим-
масига олган бўлса, ваъдасининг
устидан чиқиши учун вожиб бўл-
ган омонатни етказсин».

Абул Фазл Мұвсилій Ҳанағін
“Ал-иҳтиёр ли таълилил мұхтор
қитобида ёзади: «Пайғамбаримі
соллаллоҳу алайҳи ва салламнин
мұборак қабрлари олдига келиб,
зотга салом айтишни илтимос қыл
ғанларнинг саломларини етқаза
ди. Масалан, бундай дейди: “Ә Ра
сулуллоҳ, фалончи номидан ассас
лому алайкум. У сиздан Раббинги
хузурида шафоатчи бўлишингизз
ни сўрайяпти, уни ҳам, барча му
сулмонларни ҳам шафоат қилинг”

Сўнг Пайғамбаримизнинг қабрларига юзланиб, киблага оркасини

қилиб, у зотга хоҳлаганича салавоту садомдар айтади»

И мом Нававий “ал-Мажмұй” китобида айтади: «Кимдир Пайғамбаримиз соллалпоҳу алайҳи ва саламга салом айтишни илтимос қилған бўлса, у зотнинг муборак қабрлари олдига келиб, бундай дейди: “Ё Расулуллоҳ, фалончи номидан ассалому алайкум. Ё Расулуллоҳ, фалончи сизга салом айтиб юборди”. Шунга ўхшаш бошқа ибора билан айтса ҳам бўлади».


 Абдул Азим ЗИЁУДДИН

Бемор зиёрати улуғ амал

Мусулмон киши бемор бўлганда, уни бориб кўриши лозим. Шундай қилиш биродарининг ҳақидир. Беморни зиёрат қилиш ҳақида кўплаб ҳадислар келган. Китобларда эса bemorni зиёрат қилиш одоблари, bemorni бориб кўрганда ундан кўнгил сўраш, дуо қилиш ҳақида маълумотлар берилган.

Савон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий солаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Мусулмон киши бемор мусулмон биродарини зиёрат қилишига борса, то бориб-келганича жаннатнинг “хурфа”сида бўлади**», дедилар. Шунда: «Ё Rasululloҳ, жаннатнинг “хурфа”си нима?» дейилди. У зот: «**У (жаннатнинг меваси)ни териб олади**», дедилар» (Ином Муслим ривояти).

Сувайр отасидан ривоят қиласи: «Хазрат Али қўйлімдан тутиб:



«Хасанни кўриб келишига биз билан бор», дедилар. Унинг ҳузурига (борганимизда) у ерда Абу Мусони кўрдик. Али розияллоҳу анҳу: «Эй Абу Мусо! Касални кўргани келдингми ё шунчаки зиёратгами?» деди. У: «Касални кўргани», деди. Шунда Али розияллоҳу анҳу: «Расулulloҳ солаллоҳу алайҳи ва саллам: «**Қайси мусулмон бемор мусулмонни**

кўргани борса, етмиши минг фаришта кеч киргунча унга дуои хайр қиласи. Агар у кеч кирганда бирор bemorni кўргани борса, тонггача етмиши минг фаришта унинг ҳаққига дуои хайр қиласи ва унга жаннатнинг терилган меваси берилади», деб айтатётганларини эшиятганман», деди» (Ином Термизий ривояти).

Беморни зиёрат қилишнинг шунча мукофоти борлигини билганидан сўнг, ушбу амалга ҳарис бўлиш, bemorlar кўнглини кўтариш ҳар бир мусулмоннинг ёдидатуриши лозим.

■ **Ҳожиакбар ЭРГАШЕВ,**
Мингбулоқ тумани
“Шоҳ Фозил” жоме масжиди имом
ноиби

Мулоҳаза

“Одамлар нима дейди?..”

Кун жуда иссиқ. Кўчага кўйлакчан чиқдим. Бир танишим келиб қолди. Салом берар-бермас, жиддий туриб:

– Нега бундай қилдингиз?!
– деди. Бу саволдан довдираб қолдим.

– Нима қилибман?

– Ахир костюмсиз юрибсиз-ку?
Бундай юриш сизга ярашмайди.
Одамлар нима дейди?

Ўйланиб қолдим. Демак, мен одамларга пўрим, савлатли кўринишими учун шу жазирамада ҳам кўчага костюм кийиб чиқишим керак экан-да!

Теваракка разм солдим. Илк кўрганим баланд пошнали туфли кийиб олган бир аёл эди. Бундай туфлида юриш қийин. Ишонмасангиз, оёғингиз учиди юз қадамча юриб кўринг. Ўзини бундай қийнашда нима маъни бўлиши мумкин?

Трамвайдаги ўриндиқлар бўшлигига қарамай, тик туриб кетаётган аёлга кўзим тушди. Ўтиришга таклиф қилсалар-да, кўнмас эди. У жуда тор кийим кийиб олган, ўтира олмаётганининг боиси ҳам шу. Сўрашингиз мумкин: ўзини нега бунақа азоблайди? Чиндан ҳам, шўрлик аёл ичдан азобланиб турган бўлса ҳам, зоҳирлан одамларга чиройли кўринмоқчи бўлади.

Баъзи йигитчалар сочини тартибга келтиришга яrim соат овора бўлади. Сўнг шабада эсишидан ёки автобусда бирор адашган кўл тегиб кетиб, бу “антика кўргазма”ни йўққа чиқаришидан кунбўйи кўркиб юришади.

Ҳеч кузатганимисиз, айрим аёллар меҳмонларни, дугоналарини очиқ чехра билан қаршилашади. Табассум, мулойим гап-сўз, чиройли одоб кўрсатишади. Эри билан муомаласида эса бошқача...

Баъзилар кўчага чиқса, бегоналар учун зийнатланади, либосларнинг энг чиройлисini кияди. Турмуш ўртоғига эса, сочлари ҳурпайган, кир-чир кийим билан юзланаверади.

Мабодо уйга бирон-бир киши келадиган бўлиб қолса-чи? Дастурхон тартиб бериб безатилади. Қаердадир яшириб кўйилган товоғу ликоблар, гулу райхонлар саф-саф қилиб терилади. Ётоқхонадаги диванлар, каштали ёпинчиқлар ҳам одамлар кўриши учун.

Тўй-маросимда ҳам хўжакўрсинга елиб-югуришлар, машаққат чекишлир кўп. Барча ўйларимиз бир кунда ўтадиган тўй ҳақида бўлади.

Одамлар кўриб: “Аллоҳ ёрлақасин, жуда зўр!” дейишлари учун сеп-сибирга йифамиз. Никоҳ маросимида тўй-томошани дабдабали қилишга уринамиз. Молларни увол қилиш билан шайтонни хурсанд этамиз. Бир-икки соатга кийиладиган келин либосига қанча-қанча пул сарфлаймиз. Баъзиларнинг тўй дастурхонига қўядиган писта-бодом пулига ўртачароқ тўйни ўтказса бўлади.

Булар нима учун? Келин-куёвнинг фойдаси учунми? Савоб учунми? Йўқ! Унда нима учун? Одамларга мақтаниш учун!

Бироқ ҳар қанча сарфласак-да, биздан кўпроқ сарфлайдиганлар топилаверади. Одамлар эса: “Фalonчи мана бундай тўй қилган эди”, дея гапиришини ташламайди. Таъзияларимизда ҳам исроф оз эмас.

Кўшнимиз бой-бадавлат бўлса-ю, бизнинг маошдан бошқа даромадимиз бўлмаса, шундаям паст кетмаймиз: агар у минг долларлик қандил, музлаткич, кир ювадиган машина ё гилам сотиб олса, биз ҳам сотиб олишимиз керак. Йўқса, одамлар гап қиласи.

Хулоса шуки, туришимиз, ўтиришимиз, ейишимиз, кийинишимиз, кундалик сарф-харажатларимиз одамлар хоҳлаганидек бўлиши керак. Бўлмаса, одамларнинг тескари тилига тушиб қоламиз...

Ахир биз қачон ўзимиз учун яшаймиз? Биз қачон ақл чегарасида тура оламиз? Орамизда мана шу исканжаларни йўқ қиласиган ақлли кишилар борми?!

Шундай иродали, иймони комил бўлишни истаганларга, улуғлардан қолган насиҳат: ҳар ким, аввало, динига эргашсин, бирор ҳаром иш қилмасин; сўнг ақлига эргашсин, маслаҳат билан иш қилсин, кўрпасига қараб оёғини узатсин. Бойларнинг бойи бўлса ҳам, фақат зарур харажатга пул сарфласин, исрофдан қочсин. Одамларнинг гапларидан кўркмай яшасин...

■ **Шайх Али ТАНТОВИЙ**,
раҳимахуллоҳ,
Bayuina.uz

Масала

5-бетда

409-ФАТВО

Маййитни дағн қилиш фарзи кифоядир. Қабрни лаҳад шаклида кавлаш – суннат. Яъни, икки метр атрофида чукур кавлаб, унинг қибла томонидан маййит учун алоҳида жой тайёрланади. Унинг чукурлиги кўкрак баробари бўлиши керак. Агар ундан ҳам чукур бўлса, янада яхши. Эни ярим қомат, яъни бир метрга яқин бўлиши лозим.

«Оламгиря», «Мұхит», «Жавҳара»,
«Музмарот»

410-ФАТВО

Ернинг юмшоқлиги ёки қумлилиги боис қабрни лаҳад шаклида кавлашга имкон бўлмаса, “шакқ” шаклида, яъни ёрма гўр кавлаб, дағн этиш ҳам мумкин. Бунда ариқ қазигандек ер очилади ва икки ёни хомфишлар билан уриб чиқлади. Маййит кўйилгач, устига тегмайдиган қилиб ёғоч, тахта ёки шоҳ-шаббарлардан “шип” ясад, устидан тупроқ тортилади.

«Оламгиря», «Мевроҳ»

411-ФАТВО

Шайх Абу Бакр Мұхаммад ибн Фазл раҳимахуллоҳнинг фатвосига кўра, баъзи юмшоқ тупроқли ерларимизда лаҳад ёки ёрма қабр кавлашнинг имкони бўлмагани учун нимадан бўлса ҳам, темирдан бўлса-да, тобут (қути, сандик) ясад, унинг ичига тупроқ тушаб, устки қисмини лой билан суваб, маййитнинг ўнг ва чап томонларига хомфишт терилади. Шундай қилинса, лаҳадга ўхшатилган бўлади. Лаҳадга пишиқ ғишишт ишлатиш макруҳ.

«Оламгиря», «Қозихон»

412-ФАТВО

Аёл киши мурдасини лаҳадга кўйишга ҳаммадан кўра унинг маҳрамлари ҳақли ва яхшидир. Улардан кейин маҳрам бўлмаган қариндошлари авлодир. Улардан ҳеч ким бўлмаса ёки кўйишни уддалай олмаса, бегоналар кўйиши жоиз.

«Оламгиря», «ал-Баҳр», «Мұхийт»

413-ФАТВО

Қабр устки қисми нам ўтказмайдиган курилиш воситалари билан беркитилмаслиги керак. Қабр устига иморат куриш, ўтириш, ухлаш, босиб юриш, таҳорат ушатиш, гиёҳларни юлиш ёки чорва молларини ўтлатиш макруҳ.

«Қозихон», «Оламгиря»

■ “Минг бир фатво” китобидан



Куръони каримнинг ҳар бир ояти, сураси, ҳам лафз, ҳам маъно, аҳком ва хабар жиҳатидан кишиларни ожиз қолдирувчидир. Яъни, инсонлар ҳар қанча урин-масинлар, унга ўхшаш бир сўз айта олмайдилар.

Куръони каримни пухта ўргангани олимлар унда бир-бирига зид маъноли сўзларни тенг ададда келганини аниқлашган. Масалан, Куръони каримда: “ад-дуня” (дунё) сўзи 115 марта, “ал-ахиро” (охират) сўзи ҳам 115 марта, “ал-ҳаят” (ҳаёт) 145 марта, “ал-мавт” (ўлим) ҳам 145 марта, “ал-малаика” (фаришталар) 88 марта, “аш-шаятин” (шайтонлар) 88 марта, “ан-нафъ” (эзгулик) 50 марта, “ал-фасад” (бузғунчилик) 50 марта, “ал-мусийба” (мусибат) 75 марта, “аш-шукр” (шукр қилиш) 75 марта, “ар-роғба” (истак) 8 марта, “ар-роҳба” (хавф) 8 марта, “ар-рӯжул” (эр-как) 24 марта, “ал-маръя (аёл) 24 марта, “иблис” (шайтон) 11 марта, “таъавуз” (иблисдан паноҳ сўраш) 11 марта, “аш-шидда” (ғам, алам) 114 марта, “ас-собр” (сабр қилиш)

Ҳикматлар ҳазинаси

Боқий мўъжиза

114 марта, “ал-инфок” (нафақа қилиш) 73 марта, “ар-ризо” (розилик) 73 марта, “аз-закат” (закот) 32 марта, “ал-барака” (барака) 32 марта,

марта, “ал-мавъиза” (маъруза) 25 марта, “ал-ақл” (ақл) 49 марта, “ан-нур” (нур) 49 марта, “ад-золлун” (адашганлар) 17 марта, “ал-мавта”



“ас-сехр” (сехр) 60 марта, “ал-фитна” (фитна) 60 марта, “ан-нас” (инсонлар) 368 марта, “ар-руслу (расуллар) 368 марта, “ал-лисан” (тил) 25

(ўликлар) 17 марта, “аз-захаб” (олтин) 8 марта, “ат-тароф” (фаровонлик) 8 марта, “Мұхаммад” 4 марта, “аш-шариға” 4 марта келади.

Яхшига ёндашсанг, етарсан муородга

Ҳар ки пайвандад ба аҳли Ҳақ зи
мардони Ҳудост,
Оҳани пайваста бо оҳанрабо
оҳанрабост.

Таржимаси: Кимки Ҳақ аҳлига уланса, Ҳудонинг мардларидан дидир. Оҳанрабога уланган темир оҳанрабодир.

Худойи таолонинг мардларидан, яъни У Зотнинг хос, суюкли бандаларидан бўлишни истаган киши Ҳақ таолонинг аҳллари – авлиё зотларга уланиши, уларга дўст бўлиб, сұхбатларидан баҳраманд бўлиши лозим. Шунда уларнинг гўзал сифатлари бу кишига ҳам кўчиб ўтади. Кўрмайсизми, бир муддат оҳанрабо (магнит) га ёпишиб турган оддий темир ҳам оҳанрабога айланиб, бошқа темирларни ўзига тортиб оладиган хислатга эга бўлиб қолади.

Аҳлулоҳ – Аллоҳнинг дўстлари га уланиш ҳақида Ҳаким Ахтар бундай дейди: “Аллоҳ таоло менга сұхбат (дўстлик) нинг манфаати ҳақида ажиб бир мисол ато қилди. Дейлик, иккита ҳовуз бор. Биринча гўзал балиқлар бор. Иккинчиси эса, бўм-бўш. Агар шу бўш ҳовуз

ўз ичига балиқлар келишини истаса, нариги ҳовузга уланиши лозим. Чунки балиқлар қуруқлиқдаги масофани босиб ўтишдан ожиз. Худди шундай, бўш қалбга нисбат соҳиби бўлган қалбдаги валийлик инъомлари – илму маърифатлар, сидқ, яқийн, тақво, қўрқинч ва бошқа файзлар ўтиши учун унга уланиш лозим. Қалб қалбга уланиши учун орадаги дўстлик алоқаси ҳалиллик даражасида бўлиши керак. Ҳалиллик деб ўта қалин ва холис дўстликка айтилади. Зоро, ҳадисда ҳам: “**Киши ўз ҳалилининг динида бўлади**”, дея марҳамат қилинган. Бинобарин, яхши кишининг фазилатлари бизга ўтиши учун биз унга ҳалил бўлиб олайлик. Бу – Аллоҳ таоло розилигига етишишнинг осон йўли.

Яна бир мисол. Нисобга етган маблағга бир йил тўлиши билан ундан закот чиқариш фарз бўлади. Дейлик, бир кишининг кўлига юз миллион сўм келиб тушди. Бир йил ўтса, унинг закотини бериши лозим бўлади. Агар бир йил бўлишига бир ой қолганида яна юз миллион сўм келиб қолса, бунга алоҳида бир йил айланиш керак,

дейилмайди. Балки, ўн бир ой айланиб турган маблағга қўшиб, бунинг ҳам закоти берилади. Нисоб миқдоридаги пул гўё бир йилда балоғатга етади. Аммо биз келтирган масаладаги иккинчи маблағ бир ойда балоғатга етди. Чунки у балоғатга етишига, бошқача айтганда, мақбул бўлишига оз вақт қолган пулга қўшилди. Ҳамма машақатни ўн бир ой айланган пул тортди. Унга қўшилган пул эса, бир ойда унинг мақомига чиқиб олди. Бу ҳам яхшига қўшилишнинг фазилати.

*Гарчи дасти аҳли давлат ҳастада зоҳир баланд,
Дасти арбоби дуо болотарийни дастхост.*

Таржимаси: Гарчи зоҳирда давлат аҳлиниң қўли баланд бўлса-да, аслида дуо соҳибларининг қўли кўлларнинг ичидаги энг баландидир.

Давлату мансаб соҳиблари ўз дунёлари билан ҳал қиломайдиган қанчадан-қанча ишлар дуо соҳибларининг илтижоси билан битади. Агар дуо соҳиби мазлум

шунингдек, “ас-солат” (намоз) сўзи 5 марта келган бўлса, “аш-шаҳр” (ой) 12 марта, “ал-явм” (кун) сўзи эса 365 марта зикр қилинган.

Яна бир қизиқ маълумот. Куръони каримда “ал-баҳр” (денгиз, яъни сувлик) калимаси 32 марта, “ал-барр” (куруқлик) калимаси 13 марта зикр қилинган. Бу сонларни бир-бирига қўшсак, 45 рақами ҳосил бўлади. Бу 45 рақамини 100 фоиз деб олсак, 32 унинг 71,1111111111 фоизини ташкил қиласди. Замонавий илм Ер куррасидаги сувлик 71,1111111111 фоизни, куруқлик эса, 28,8888888889 фоизни ташкил қилишини аниқлади.

Куръонни қанчалик кўп ўрганганимиз сайнин шунчалик унинг илоҳий қаломлигига, ақлларни ожиз қолдирувчи эканига гувоҳ бўлаверамиз.

Фазлиддин СУВОНОВ,
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти
ўқитувчиси

бўлса, биргина оҳу нолали дуоси билан забардаст золимни хонавайрон қиласди.

Бобурий подшоҳлардан Аллоҳнинг динига энг кўп хизмат қилган Аврангзеб Оламгир раҳимаҳуллоҳ шаҳар ва вилоятлардаги ноибларига хат ёзса, уларни огоҳлантириш учун доимо мактуб бошида Мирзо Бедил раҳимаҳуллоҳнинг қўйидаги шеърини келтирас экан:

*Битарс аз оҳи мазлумон ки
ҳангоми дуо кардан,
Ижобат аз дари Ҳақ баҳри
истиқбол меояд.*

Таржимаси: Мазлумларнинг оҳу ноласидан қўрқ. Зоро, мазлум дуо қилса, ижобат Ҳақ таолонинг даргоҳидан истиқбол учун келади.

Яъни, дуоси Ҳақ таолонинг даргоҳига кўтарилишидан илгари ижобатнинг ўзи тушиб, уни қарши олади.

**“Малғузот” ва
“Мажолиси ҳакимулумма” асаридан
Ёрқинжон ФОЗИЛОВ таржимаси**

Muassis:
O'zbekiston musulmonlari
idorasi "Shamsuddinxon
Boboixonov" NMU

Bosh direktor: Sultonbek
IMOMNAZAROV

Ислом Қурғ

Bosh muharrir:
Abdul Jalil XO'JAM

Tahir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Jaloliddin XAMROQULOV
Obidjon QODIROV
Uyg'un G'OUROV
Muhammadsharif UMAN
Kolmat ATABAYEV
Komiljon BURXONOV

Toshkent – 100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a уз.

(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.

m-nashr@mail.ru

www.hidoyat.uz

Nashr ko'rsatkichi: 195

ISSN 2091-5225

2020-yil 3-sentabrda

0017-raqam bilan

ro'yxatga olingan.

Gazeta oday ikki marta chop etiladi.

Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
Azizbek XOLNAZAROV

Musahhiha:

Zebo OMONOVA

Sahifalovchi:

Komiljon MAHMUDOV

Ekspertizaga berildi:

14.04.2023

Xulosa (№03-07/2878) olindi:

20.04.2023

"SHAMSUDDINXON
BOBXONOV" NMU

Adadi: 13.670
227/7-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a уз.

www.hidoyat.uz

www.hidoyat.uz

www.hidoyat.uz

www.hidoyat.uz

www.hidoyat.uz

www.hidoyat.uz

www.hidoyat.uz

www.hidoyat.uz

Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ноҳоиз жойларга қўйман!

The newspaper contains ayahs and
hadiths. Please, do not put it
in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث .

لا تضعها في مكان غير مناسب !

Газета содержит аяты и хадисы. Не

оставляйте в неподходящих местах!

